

**“Асака” банк  
Бошқарувининг 2017 йил 27  
февралдаги  
30 - сонли Баённомаси билан  
“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**«Асака» банк  
валюта операциялар департаменти  
тўғрисида низом**

Ушбу Низом “Асака” банкнинг Валюта операциялар департаментининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ, мажбурият, жавобгарлиги ва “Асака” банкнинг бошқа таркибий бўлинмалари ва филиаллари билан ўзаро муносабатларини, ҳамда “Асака” банк Валюта операциялар департаментининг иш регламентини белгилаб беради.

**I. Умумий қоидалар**

1. Валюта операциялар департаменти (матн бўйича кейинги ўринларда - Департамент) «Асака» акциядорлик тижорат банки (матн бўйича кейинги ўринларда - Банк)нинг мустақил таркибий тузилмаси ҳисобланади ва бевосита Бошқарув Раисининг мутасадди ўринбосарига бўйсунди.

2. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, Қарор ва Фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Фармойишларига, шунингдек, “Валютани тартибга солиш тўғрисидаги” 556-II-сонли Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг меъёрий ҳужжатларига, Банк Уставига, Банк ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Департамент ўз фаолиятини Банк раҳбариятининг топшириқлари ва Банк раҳбарияти томонидан тасдиқланган иш режасига мувофиқ олиб боради.

4. Департаментга Департамент бошлиғи раҳбарлик қилади ҳамда Бошқарув Раисининг мутасадди ўринбосари тавсияси асосида Бошқарув Раиси буйруғи билан тайинланади. Департамент бошлиғи ишда бўлмаган вақтида унинг вазифасини вақтинча Департамент бошлиғи ўринбосари бажаради.

**II. Департамент тузилмаси**

5. Департаментнинг ташкилий-функционал тузилмаси, ходимлари сони ва штат жадвали Департамент бошлиғининг билдиришномаси асосида Банк

Бошқаруви Раисининг мутасадди ўринбосари билан келишилган ҳолда Бошқарув Раисининг буйруғи билан тасдиқланади.

6. Департамент бажарадиган вазифаларига кўра, қуйидаги сектор ва бўлимлардан ташкил топади:

- Конверсион операциялар бўлими;
- Экспорт-импорт операцияларини мониторинг қилиш бўлими;
- Гуманитар ёрдам ва грантларни мониторинг қилиш сектори.

### **III. Департаментнинг асосий мақсад ва функциялари**

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотлар ва экспорт салоҳиятининг устуворлигини таъминлашда кўмаклашиш департаментнинг асосий мақсади бўлиб хисобланади.

Департаментнинг асосий функциялари эса қуйидагилардан иборат:

7. Валютани тартибга солиш, шунингдек грантлар ва гуманитар ёрдами бўйича хизмат кўрсатиш ҳамда мониторинг қилишга оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

3.1. Ички валюта бозорини ўрганиб бориш ва янги молия воситаларини жорий этиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

3.2. Хорижий банклар ва халқаро молия институтларининг тажрибасини улар билан ҳамкорлик қилишнинг оқилона шакллари топиш мақсадида ўрганиб бориш;

3.3. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги меъёрларига ҳамда йўриқнома-меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукумат ташкилотлари, чет эл фуқаролари, шунингдек халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотларидан олинadиган беғараз ёрдам молиявий маблағларини Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларига туширишга оид ҳужжатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш;

3.4. Банкнинг грантлар ва гуманитар ёрдам бўйича хизмат кўрсатишдаги мавқеини ривожлантириш ва аҳамиятини оширишга доир дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

3.5. Давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукумат ташкилотлари, чет эл фуқаролари, шунингдек халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотларидан келиб тушган грант ва гуманитар ёрдамни Банк тизими бўйича мониторинг қилиш;

3.6. Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида (кейинги ўринларда “ЎзРВБ”) Банк мижозларининг топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси “сўм”ни эркин айирбошладиган валюта билан конверсия амалиётларини бажариш;

3.7. ЎзРВБда банк валюта айирбошлаш шохобчаларини таъминлаш мақсадида Банкнинг Валюта айирбошлаш амалиётлари махсус Бошқармаси хизмат хатига асосан Банк ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси “сўм”ни эркин айирбошладиган валюта билан конверсион амалиётларни бажариш;

3.8. «Асака» банк бўйича экспорт-импорт операциялари, мажбурий сотувлар ва бошқа операциялар бўйича барча зарур ҳисоботларни йиғиш,

умумлаштириш, уларни тегишли тартибда Марказий банкка, Молия вазирлигига ва бошқа давлат органларига тақдим этиш.

#### **IV. Департаментнинг асосий вазифалари**

Департаментнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

4.1. Филиаллар ва Департамент таркибига кирувчи бўлинмаларда валюта операцияларини амалга оширишнинг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириш;

4.2. Банк филиаллари ва таркибий бўлинмалари ходимларига валюта амалиётларини ўтказиш масаласида маслаҳатлар бериш;

4.3. Филиаллар ходимлари учун Департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича семинарлар ўтказиш, муаммоларни ҳал этиш бўйича жойларга чиққан ҳолда зарур амалий ёрдам кўрсатиш;

4.4. Грантлар ва гуманитар ёрдами бўйича хизмат кўрсатиш ҳамда мониторинг қилишни амалга ошириш бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш;

4.5. Грант маблағлари олувчи мижозларга Банкнинг минтақавий филиалларида хизмат кўрсатилиши устидан назорат олиб бориш;

4.6. Ўтказилаётган операцияларга оид ички ва ташқи ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш;

4.7. Банк филиалларида валюта операциялари ўтказилиши ҳамда грантлар ва гуманитар ёрдами устидан мониторингни амалга ошириш;